



ИЧКИ ИШЛАР ОРГАНЛАРИ ХОДИМЛАРИНИ ИЖТИМОЙ ҲИМОЯЛАШНИНГ ТАРИХИЙ АСОСЛАРИ

Раджапова Лола Нуриддиновна

Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси, мустақил изланувчиси

<https://www.doi.org/10.5281/zenodo.10443894>

ARTICLE INFO

Received: 22th December 2023

Accepted: 29th December 2023

Online: 30th December 2023

KEY WORDS

Ички ишлар органлари,
ходимлар, ижтимоий ҳимоя,
шаклланиши, ислохотлар.

ABSTRACT

Мазкур мақолада ички ишлар органлари ходимларининг ижтимоий ҳимоясининг ретроспектив таҳлили ёритилган. Шу билан бирга, ички ишлар органлари ходимларнинг ижтимоий ҳимоясини таъминлаш ўтган асрлардаги ҳолати баён қилинган. Бундан ташқари, ички ишлар органлари ходимларининг ижтимоий ҳимоясининг келиб чиқишига оид тарихий фактлар келтирилиб, ёритилган.

Ўзбек халқи қуррайи заминдаги бошқа халқлар каби кўп асрлик тарихга эга қадимий халқдир. Ўзбек давлатчилигининг шаклланиши ва ривожланиши тарихидаги хафсизлик ва ҳуқуқ-тартиботни таъминлаш тизимининг шаклланиши ва ривожланиши узоқ тарихга бориб тақалади. Бу кичик муддат эмас албатта. Бу ўзбек халқининг ва улар хизматида бўлган ҳуқуқ-тартибот органлари ходимларининг ижтимоий-тарихий воқелигидир. Бу бир неча авлодларнинг, ўз ҳаётини жинойтчиликка қарши курашишга ва жамоат тартибини сақлашга бағишланган юз минглаб кишиларнинг ҳаётидан иборат[1].

Тарихдан халқимизнинг шаклланган жамоавий турмуш тарзи, ўзаро меҳр-шафқат ва саҳоват сингари ноёб қадриятлари, мумтоз дурдона асарлари ижтимоий ҳимоя борасидаги улкан ҳаётий тажрибаси, миллий давлатчилик анъаналарида ўз аксини топган. “Авесто”даги сиёсий ва ҳуқуқий ғоялар, ўрта асрларда вужудга келган ислом таълимотлари, Абу Наср Фаробий, Ибн Сино, Абу Райхон Беруний сингари алломаларнинг таълимотлари, Жалолиддин Мангуберди, Темур Малик, Шайх Нажмиддин Кубро, Маҳмуд Таробий, Амир Темур, Бобур сингари лашкарбошиларнинг маҳоратли қўмондонликлари, айримларининг қўшин тузиш ва уни бошқариш, таъминотини ташкил этиш борасидаги бошқарув санъатларидан кўплаб мисоллар мавжуд.

Олимларимиз[2] қайд этишича, Ўрта Осиёда илк давлатчилик уюшмалари уруғ-қабилла муносабатларининг шаклланиши даврида юзага келиб, қадимги Бақтрия, Сўғдиёна, Хоразм худудларида ижтимоий муаммолар уруғ-жамоа зиммасига ўзига хос вазифалар юклаган. Жамоанинг ташкил этилиши унинг функцияларида ўз аксини



топган. Ижтимоий эҳтиёжлар ҳаётий заруратга айланиб, ўзаро ёрдам, меҳр-шафқат кўрсатиш каби қадриятларнинг шаклланишига туртки бўлган. [3].

Айниқса, диний ғоялар инсоний фазилатларни рўёбга чиқарилишига имкон берадиган энг қулай шароит, энг самарали ижтимоий механизм вазифасини бажарганлигини, дунё динларидан бўлмиш христианлик, иудизм, мусулмон дини, буддизм ғоялари ҳаракатлантирувчи кучни ташкил қилганлиги олимларимиз[4] томонидан эътироф этилади.

Мавжуд тарихий тадқиқотларда, Марказий Осиёда давлатчиликнинг илк босқичларида бевосита ички ишлар органларига ўхшаш тузилмани қайд этишмайди, бу ҳақда аниқ маълумотлар ҳам келтирилмайди[5].

Ўрта Осиёдаги дастлабки давлат уюшмалари ҳақидаги ёзма манбалардан бўлган “Авесто”да қадимги жамият тўрт тоифага ажратилиб, қоҳинлар, чорвадорлар, хунармандлар билан ҳарбийлар тилга олинади. Зардуштийлик ақидасига кўра оилалар жамоа оқсоқоли томонидан ҳимоя қилиниб, у хазинадан доимий нафақа олганлиги ҳақида маълумотлар бор. Авестода алоҳида ички ишлар хизматчилари дейилмасда, ушбу вазифани ҳарбийлар бажарганлар. Ёки масалан, Ўрта Осиёда ҳукмронлик қилган Кушон давлатининг Канишка подшоҳлик даврида мамлакат ҳарбий қудрати жуда салоҳиятли бўлганлиги айтилади[6]. Ўрта Осиё араблар томонидан босиб олинган, аҳоли устидан назоратни таъминлайдиган қўшинни жойлаштириб, унинг таркибига маҳаллий аҳоли таркибидан кўплаб эркалар ҳам сафарбар қилинади. Шу йўл ва куч орқали қўшин от-улов, кийим-кечак, озиқ-овқат, қуллар ва бошқа нарсалар билан таъминлаб турилган.

Ҳазнавийлар даврида армия қўшини аскар ва ғуломлардан иборат бўлган. Ғуломлар хизмат эвазига хазинадан йиллик маош ва озиқ-овқат маҳсулотларини олган. Ғуломлар яхши хизмат учун озодлик олишлари, ер, маҳсулот олишлари, катта мансабларга эришишлари мумкин бўлган, аммо султоннинг қули бўлиб қолаверган.

Қорахонийлар ҳоконлигида тунда, яъни кундузи ва кечаси соқчилик қилувчи соқчилар бўлган. Соқчиларнинг маоши бошқа ҳарбий аскарлар сингари маълум қоидалар асосида белгиланган бўлиб, унинг ўсиши ёки камайиши мансаб ва лавозимнинг ўзгариши, кўрсатган хизматига боғлиқ бўлган[7].

Тарихий адабиётларда ёзилишича, хонликлар даврига келиб, ҳозирги милиция тузилмасига ўхшаш ва унинг айрим функцияларини бажарувчи дастлабки, ўз номига эга бўлган махсус бўлинмалар – миршабликлар ташкил этилган. Марказий Осиёда хонликлар даврида ҳуқуқ-тартиботни сақлаш, жамоат тартиби ва хавфсизлигини таъминлаш тарихини маъмурий лавозим эгаси ҳисобланган миршаблар фаолияти билан боғлаш мумкин[8].

Миршабларнинг таъминоти турли вилоятлар ва туманлар даромади ҳисобидан келиб чиқиб белгиланган. Жумладан, миршабхона бошлиғи ойига 3 тилла, шабгард-мулозимлар 1 тилладан маош олишган[9]. Давлат томонидан миршабхона мулозимларининг вафот этган оила аъзоларини дафн этишга моддий ёрдам кўрсатиш борасида ҳам маълум тадбирлар амалга оширилган. Жумладан, тарихий манбаларда қайд этилишича, 1871-1872 йилларда Гадоё ботир исмли мулозимнинг ўлган хотинини дафн этиш учун пул ажратилган бўлса, Жумабой исмли мулозимнинг ўлган хотинини



дафн этиш учун эса мато (кафанлик) берилган[10]. Бундан хулоса қилиш мумкинки, миршаблар маълум даражада давлат томонидан таъминланган бўлсада, уларнинг оиласи ночор аҳволда яшаганлар.

Тарихдан маълумки, ўзбек хонликлари даврида ҳарбий қўшин нафақат мудофаа ва ташқи урушлар, балки ҳукмдорларнинг хавфсизлиги, шаҳар ва қишлоқлардаги ички тартиб-осойишталик, ўғирликлар ва бошқа жиноятларга қарши курашишга ҳам масъул бўлганлар.

Миллий давлатчилигимиз тарихида манғитлар сулоласи ҳукмронлик қилган 1753-1920 йилларда Бухоро амирлиги даври бўйича ҳарбий-сиёсий тузилиш ва қўшин таъминоти бўйича ислохотларга оид маълумотлар давлат ва ҳуқуқ тарихида учрайди. Масалан, профессор З.Муқимов амир Олимхон давлатни бошқаришга киришган даврдаёқ мамлакатда ҳарбий ислохот ўтказиб, ҳар ердан баҳодир йигитларни тўплаб, уларни ўз хизматига олиб, “гала баҳодир” номи билан лашкар тузиб, кучли мунтазам ҳарбий қўшин тузганини айтса[11], Ж.Шодиев амирликда мудофаа ва ҳарбий масалалар билан шуғулланувчи вазирлик тузилиб, бу идора тўпчибошийи лашкар (ҳарбий вазир) томонидан бошқарилганлиги, амир Ҳайдар бошқа манғит ҳукмдорларидан фарқли равишда ўз қўшинидаги аскарларга мунтазам равишда яхши маош тўлаб борганлиги, амир Саид Олимхон эса ўз ҳукмронлиги даврида “Ёш бухороликлар”нинг талаблари асосида ҳарбийлар ойлик ҳақини оширганлиги (пиёда хизматчиларга ойида 3-9 рублгача, отлик қўшинларга 6-20 рублгача), ёши улуғ бўлган ҳарбий хизматдан озод этилганларга ойида 3 рублгача нафақа тайинланганлигига доир маълумотларни беради[12]. Тарихшунос олимлардан Ю.Шуқуриллаев ҳам бу борада яхши маълумотлар келтирган[13].

Тарихшунос олим Б.Турсунов[14] ўзига хос шахсий гвардия – Қўқон хони хонадонининг шахсий қўриқчилари, уларнинг таркибий жиҳатдан бўлиниши ҳамда таъминоти ҳақидаги тарихчилар асарларида борлигини, Мулла Олим Маҳдумхожининг “Тарихи Туркистон” асарида эса қўшин таъминотининг асосий қисми хон хазинасидан қопланганлигини қайд этади. Муаллиф Қўқон хонлигини тарихини ўрганиш борасида олимлар қатор ишлар қилганлигини, улар орасида ўзбек давлатчилиги тарихини кенгроқ ёритиш имкониятини берувчи маҳаллий тарихчиларнинг асарлари мавжудлигини келтиради. Асосий маълумотларни берувчилар қаторида Мирзоолим Мушриф, Мулла Олим Маҳдум Ҳожи, Мулло Юнусжон Мунший, Ибрат Исҳоқжон Жунайдиллохожа, Муҳаммад Азиз Марғилоний[15] туради. Масалан, Умархон даврида илк бор энг юқори ҳарбий мансаб - мингбоши жорий қилиниб, мингбоши ҳарбий ишларга бошчилик қилиши, қўшин таъминоти билан шуғулланиши, уруш даврида эса бош қўмондонлик вазифасини бажариши айтилади. Худоёрхон эса қўшин таъминотига алоҳида эътибор бериб, ҳар йили ҳарбий бошлиқларга сарпо кийгизиш пайтида ҳар бир понсадга 1000 танга (200 руб.), қолганларнинг ҳар бирига 500 тангадан 80 тангагача пул берганлиги, уруш даврида юзбошига ҳар ойда икки тилла, элликбошига бир ярим тилладан, оддий навкарларга эса бир тилладан ақча берилганлигига оид маълумотлар мавжуд [16].

Хоразмшоҳлар даврида ҳамма унвондаги ҳарбийларга маош ва бошқа тўловлар (арзақ) тўланган, зарур анжомлар билан таъминланган. Хоразмшоҳлар давлатининг



ҳарбий девони қўшиннинг ҳарбий тайёргарлиги ва жанговарлик ҳолатини таъминлаш, ҳарбийларнинг барчаси - ўрта ва юқори ҳарбий мартаба эгаларигача маиший ҳаёти – ойликларини бериш, юқори ҳарбий мартаба эгаларига ойликдан ташқари фавқулодда хизматлари учун ҳарбий хизмати давом этаётган даврда Султон томонидан бериладиган Иқто - яъни кўчмас мулклар, улардан келадиган даромадлари, қурол-аслаҳа, озиқ-овқат, кийим-кечак, отлар, ем-хашак инвентаризациясини юритган. Масалан, қўшиннинг асосий қисми бўлган отлиқлар таъминотидан фарқли равишда аскар-суворийлар (пиёда қисмлар) фақат ҳарбий стратегик мақсад ёки тактика тақозо этган вақтда аҳолини ҳарбий сафарбар қилиш йўли билан вужудга келтирилганлиги боис улар қурол-аслаҳа, улов, кийим-кечак, озиқ-овқат билан таъминланган бўлсада, мунтазам маош олмаган ва асосан уруш ҳаракати кетаётган жой, минтақа аҳолиси ҳисобига ўлжадан улуш олган, ҳарбий юриш тўхтатилгач эса тарқатилган[17].

Тарихдан маълумки, “Темур тузуклари” муаллифи, давлат ва ҳарбий бошқарув борасида улкан намуна яратган Амир Темурнинг ўз салтанатида ҳарбийлар, сипоҳ ва қўшинларнинг ижтимоий муҳофазаси ва таъминоти бўйича қилган юксак намунали ишлари хусусида тўхталиб ўтмасликнинг иложи йўқ. Зеро, давлат арбоби ва саркарданинг ҳаётига бўлган қизиқишлар натижасида ҳозирги даврга қадар бир ярим мингдан зиёд илмий иш ва изланишлар олиб борилган. Шулар қаторида ҳуқуқшунос олималаримиздан М.Т.Аҳмедова ўз илмий ишида Амир Темур давлатида хавфсизлик масалаларини тадқиқ қилиб, ҳарбий санъат тарихи Амир Темурни ҳарбий билим соҳасида етук билимдон сифатида жаҳоннинг энг буюк саркардаларидан бири деб тан олинганлигини қайд этади ва: “У ўз фарзанд, набира авлодларнинг ҳарбий тарбияси тўғрисидаги қарашларида очкўз, лоқайд, зикна, ёвуз ва нафси ёмон кишиларни хизматга чақирмасликни уқтирган”[18] дейди.

Б.А.Матлюбов, давлатни бошқаришда тинчлик ва осойишталикни, ҳуқуқ-тартиботни таъминлаш ҳақидаги фикр ва ғояларни маълум бир тизимга мужассамлаштириш Турон заминида Темурийлар даврига тўғри келганини кўришимиз мумкин дея таъкидлаган[19].

Темур тузукларида ички ишлар органларига ўхшаш бевосита тузилмалар тилган олинмаган бўлсада, ҳарбийларнинг таркибида фаолият йўналишлари, вазифалари ва функциялари жиҳатидан яқин бўлган махсус бўлинмалар мавжуд бўлганлигини кузатиш мумкин[20]. Хусусан, Ш.Ўлжаеванинг таъкидлашича, Амир Темур салтанатида полиция маҳкамаси “ясағлиқ” деб аталиб, улар давлат ичидаги тартиб-интизомни сақлашга масъул, жамоат тартибини бузган кишиларни текшириш, сўроқ қилиш ва жазолаш ваколатларига эга бўлганлар. Тунги соқчилар пос (ёки посбон) деб аталган. Улар тунда фуқароларнинг тинчини сақлашга масъул бўлишган[21].

Амир Темурнинг ҳатто оддий жангчиларни яхши сўз, кийим-кечак, озиқ-овқатини сероб қилиб, уларнинг кўнглини олганликлари ва истакларини айниқса жанг вақтидан олдин қондирганликлари ҳақида олимларимиз[22] томонидан қизиқарли фикрлар билдирилади. Жумладан, оддий аскарга ҳам юксак эҳтиром кўрсатилганлиги Амир Темурнинг қуйидаги тузукларидан билса бўлади: “Амр қилдимки, қайси бир аскар қилич чопиб баҳодирлик кўрсатса, унга инъом тариқасида гурзи, қимматбаҳо тошлар



қадалган ўтоғ, камар, қилич ва бир от берсинлар ҳамда ўнбошилиқ мартабасига кўтарсинлар”[23].

Умуман олганда “Темур тузуклари”да сипоҳдан хабардор бўлиб туриш, сипоҳни сақлаб туриш, унга улуфа, танҳоқ бериш ва тақсимлаш тузуки, амирлар ва лашкарларга мартаба ва инъом бериш тузуклари муфассал баён этилган.

Масалан, оддий сипоҳийга ўз вазифасини ўринлатиб бажариш шarti билан маоши минган отининг баҳоси бўлган. Баҳодирлар маоши икки отдан тўрт отгача тайинланган. Ўнбошилар маоши қўл остидаги оддий сипоҳийлардан ўн баробар, юзбоши маоши ўнбошига қараганда икки баробар, мингбошиларники эса юзбошиларникидан уч баробар зиёда бўлган. Маош хазина ва подшоҳ мулки ҳисобидан нақд пул ҳисобида берилган.

Темурийлар даврида алоҳида хизмат кўрсатган бекларга танҳоқ сифатида ер-сув берилиб, девонбеги ва вазирлар бу ҳақда бевосита Соҳибқиронга маълумот берган. Мингбошиларга вилоят ичидаги экинзор ерлардан туюл (яъни хирож ва солиқ йиғиб олиш ҳаққи билан инъом этилган ер-мулк) берилган. Амирлар ва амир ул-умароларга эса чегаралардаги вилоятлардан бири туюл қилиб белгиланган[24].

Бизнинг фикримизча, “Темур тузуклари”да ҳозирги замон тушунчаси билан айтганда ҳарбий хизматчиларнинг “пенсия”сига ҳам катта эътибор қаратилган. Қуйидаги ўғит бунга асос бўлади: “Қайси бир сипоҳий ўзини кўрсатган бўлса, рағбатлантириб ҳақини адо этсинлар. Қайси бир сипоҳий хизматда юриб, қарилик ёшига етаркан, уни ойлик – ҳақдан маҳрум этмасинлар ва мартабасидан туширмасинлар. Ҳеч бир сипоҳийнинг хизмати назардан четда қолмасин. Чунки улар давлат хизматида эканлар, боқий ҳаётларини фоний дунё нақди учун аямаганининг ўзи ҳам инъомга ва моддий таъминотга лойиқлигини билдиради. Уни инъомидан маҳрум қилиб, хизматларини кўрсатмасалар ноинсофлик қилган бўлурлар”[25].

Профессор М.Усманова ногиронларга нафақа тўлаш тизими Собиқ иттифоқ тузуми даврига эмас, балки Амир Темур даврига бориб тақалишини таъкидлайди ҳамда шу мақсадда ҳар бир ўлкада бошқарув ишларини амалга оширувчи уч вазирдан бири ижтимоий масалалар билан шуғуллангани ҳақида фикрларини билдиради[26].

Ҳуқуқшунос олимлардан Р.Ҳакимов “Амир Темур ўз лашкарига юксак даражада эътиборли эканини, узоқни кўзлаб сиёсат юритганини” айтиб, “моҳир лашкарбоши, ўн икки минглик қўшини билан рақибнинг юз минглик қўшинини мағлуб этган Заҳириддин Муҳаммад Бобурнинг сипоҳийларига кўрсатган намунаси, тун билан биргаликда қўриқчилик қилгани, аскарлари билан бирга қорда кўмилиб ухлагани, оғир паллаларда қўшинини қандай руҳлантиргани ҳақидаги маълумотлар тарихий манбаларда битиб қўйилган”лигини таъкидлайди[27].

Дарҳақиқат Заҳириддин Муҳаммад Бобур (1483-1530) тарихда-ёзувчи ва шоир, етук олим ва саркарда сифатида эътироф этилади. Олимларнинг[28] қайд этишича, бобурий подшоҳлар катта ва қудратли лашкар сақлардилар. Жангда артиллерияни ишлатишни Бобур бошлаб берган бўлса ҳам, доимий ҳарбий қўшин тизимининг такомиллаштирилиши Акбаршоҳга тааллуқли. Масалан, ҳар бир саркардага алоҳида унвон берилган бўлиб, улар сафни янгилаш, мустаҳкам интизом ўрнатиш, сарбозлар



учун қурол-аслаҳа, кийим-бош, озиқ-овқат тайёрлаш ишлари ҳам унинг жавобгарлигида бўлган[29]

Бобурий навкарлар бир неча тоифага бўлинган. Оддий отлиқ сарбозга 12-15 рупий берилса, подшоҳга қарашли аҳади навкарлардаги отлиқ сарбозга 500 рупий маош тўланган. Акбаршоҳ даврида улар сони 12 мингга етказилган ва улар фақат подшоҳ буйруғинигина тан олардилар. Лашкар суворий (қўшиннинг энг яхши қисми), пиёда аскарлар ва жангчи филлардан ташкил топган. Бобурийлар қўшинининг энг диққатга сазовор хусусиятларидан бири унинг ҳарбий мансабдорлар тизими бўлиб, уларнинг вазифалар ва мансабини оширишни подшоҳ белгилаган. Мансабдорлар ҳатто ўз навкарларига давлат ҳисобидан мустақил маош тайинлай оларди. Бу борада «Бобурнома»да қизиқарли маълумотлар келтирилади: «Ёмчи (чопар) ва сайисга улуфа (маош ва озиқ-овқат), отларга ем-хашак тайинласин. Агар бу ём отлари боғланадиган ер бирор холисага (давлат ерларига) яқин жойда бўлса, унинг харажатлари ана шу ердан ундирилсин, агар ундай бўлмай, бирор бекнинг вилоятида жойлашган бўлса, унинг таъминоти ўша бекнинг зиммасига юклатилсин».

Тарихий ноёб асар ҳисобланган «Бобурнома»да Бобур Ҳиндистон ўлкасидаги бир воқеани эсга олиб, қуйидагича баён қилади: Ражаб ойининг йигирма тўққизинчисида душанба куни хазинани кўриб чиқдик ва уни улаша бошладик. Ҳумоюнга хазинадан етмиш лак берилди. Яна баъзи бекларга ўн, баъзиларига саккиз лак, етти лак, олти лакдан берилди. Лашкардаги афғонлар, ҳазоралар, араблар ва балужларга ҳамда ҳар бир аскарга мавқеига қараб пул инъомлари бўлди. У томонда қолган бек ва сипоҳийларга жуда кўп инъомлар жўнатилди. Кобул вилояти билан Варсак садаси (лашкарнинг юз кишилиқ бўлинмаси) атрофида яшайдиган ҳар бир кишига – эркакми, аёлми, қулми, озодми, катта кишими, ёш болами – бундан қатъи назар, ҳаммасига бир шоҳрухийдан инъом қилинди»[30].

XIX асрнинг иккинчи ярмидан бошлаб Марказий Осиё давлатлари Чор Россияси империяси томонидан босиб олингач, Ўзбекистон Республикаси ички ишлар органлари совет милицияси тарихи билан чамбарчас боғлиқдир. 75 йиллик совет даврида (1917-1991 йй.) совет халқининг қуролли таянчи, инқилоб душманлари даҳшати бўлган Ишчи деҳқон милицияси Коммунистик партия совет давлати томонидан олдиға қўйилган вазифаларни сидқидилдан бажарганликларини таъкидлаш лозим. ИИО ходимлари сохта ғояларни тарғиб қилган Коммунистик партия, социалистик Ватан, ўз халқи учун хизат қилишни ўзларининг муқаддас бурчи деб ҳисоблашган ва тузум йўлида ўз жонини аямасдан содиқлик билан хизмат қилишган[31].

Профессор М.Усманова қайд этишича, Марказий Осиё Чор Россияси томонидан босиб олинганидан кейин илгари амалда мавжуд бўлган ижтимоий таъминот тизими (закот) деярли амал қилмай қўйди. Сабаби, маълумки закот гарчи ихтиёрийлик асосида берилса ҳам уни йиғиш, тақсимлаш давлат томонидан амалга оширилиб, тегишли ташкилий-ҳуқуқий тадбирлар ҳам давлат томонидан таъминланар эди. Маълумки, чор Ҳукумати бу ишда ҳеч қандай мажбуриятларни ўз устига олмади. Айни вақтда маҳаллий аҳоли кўпроқ шариат ҳуқуқи таъсири доирасида эканлиги сабабли шўролар империясида ўша даврда амал қилувчи чала-ярим ва номукамал ижтимоий таъминотга оид тизим ҳам Ўзбекистонда деярли қўлланилмас эди[32].



Жамиятнинг ижтимоий-иқтисодий ҳаёти ва тараққиёти билан боғлиқ катта ўзгаришлар давлат ҳокимияти бошқарув воситаларининг муҳим таркибий қисми бўлган милицияда ҳам содир бўлди. Бу ўзгаришлар давлат воситасида милициянинг ташкилий, ҳуқуқий ҳолатидагина акс этиб қолмай, унинг фаолияти, шакллари ва услубларида ҳам намоён бўлиб, ички ишлар органлари фаолияти мунтазам такомиллаша бошлаган.

Замонавий ички ишлар органлари фаолиятини ташкил этишнинг негизлари кўп жиҳатдан ўша XX аср давридаги ислоҳотларга бориб тақалади. Масалан, ходимларнинг ижтимоий таъминотининг асосини белгилаб берадиган қонун-қоидаларнинг белгиланиши, пенсия ва пул таъминотининг замонавий асосларининг ишлаб чиқилиши, ходимларнинг соғлиғини муҳофазалаш тизимининг йўлга қўйилиши, таълим муассасалар ташкил этилиши шулар жумласидан.

Хулоса қилиб айтадиган бўлсак, тарихий шаклланиш моҳиятига кўра, Ўзбекистонда ички ишлар органлари ходимларининг ижтимоий таъминоти ҳар доим диққат-эътиборда бўлган. Айниқса, ҳозирги вақтда мамлакатимизда бу соҳадаги амалга оширилаётган ўзгаришлар ва ислоҳотлар жараёни биз учун янгилик бўлмасдан, уларнинг чуқур ва бой миллий тарихий илдизлари борлигини ҳеч биримиз унутмаслигимиз лозим.

References:

1. Ўзбекистонда Жамоат тартиби ва хавфсизликни таъминлаш тарихи. Б.А.Матлюбов. Т.2021., Б.8.
2. Адилходжаева С. Благополучие маҳалли – залог стабилности государства // Демократлаштириш ва инсон ҳуқуқлари. – Тошкент, 2003. - №3. – Б. 107.; Олламов Я., Саидова Х. Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш ҳуқуқи: назария ва амалиёт масалалари. – Тошкент: ТДЮИ, 2006. – 69 б.; Аҳмедов Д.Қ., Ғофуров З. Маҳалла ноёб миллий қадрият. – Тошкент: ТДЮИ, 2005. – Б 211.
3. Абдулқосимов Ҳ. Давлат сиёсати: инсон манфаатлари ва ижтимоий ҳимоя // Фуқаролик жамияти. – Тошкент, 2007. - №1. – Б 18.
4. Бобоев Х., Хасанов С. «Авесто-маънавиятимиз сарчашмаси». - Т.: Адолат. 2001.- Б 103.; Усманова М.А. Ўзбекистон Республикасида ижтимоий ҳимояни ташкил этишнинг фуқаролик-ҳуқуқий муаммолари: юрид. фан. д-ри. ...дис. - Тошкент: ТДЮИ, 2006. – Б 59.
5. Худяков Ю.С. Вооружение средневековых кочевников Южной Сибири и Центральной Азии. Новосибирск, 1996. С.208.
6. Ҳожи Нурҳжи. Қадимги уйғурлар ва қорахонийлар. Урумчи, 2001. 65-67 бетлар.
7. Ўзбекистон миллий энциклопедияси. Т.5, Т.2003. 658 б.
8. Мейендорф Е.К. Путешествие из Оренбурга в Бухару. М., 1975 С.140.
9. XIX аср Бухоро давлат ҳужжатлари. II том. 8-дафтар. Т.1960. 115-б.
10. Муқимов. Ўзбекистон давлати ва ҳуқуқи тарихи. Т.: Адолат, 2003. – Б. 220.
11. Шодиев Ж. Бухоро амирлигининг ташкил топиши ва давлат тузуми: юрид.фан.номз...дисс. – Тошкент, ТДЮИ, 2008. – 178 б.
12. Шуқуриллаев Ю.А. Бухоро амирлигида қўшин ва ҳарбий иш (1756-1920 йиллар): Тарих фан номз... дисс. – Тошкент. 2008 йил.



13. Турсунов Б.Я. Қўқон хонлигида ҳарбий иш ва қўшин: ҳолати, бошқаруви, анъаналари (асрнинг 70-йилларигача). – Тошкент. 2006 йил. – 11 бет.
14. Мирзоолим Мушриф. “Ансоб ус-салотин ва таворих ул-хавоқин”. – Т.Ғ.Ғулом, 1995 йил;
15. Мулла Олим Маҳдум Ҳожи. “Тарихи Туркистон” – Қарши, 1992 йил; Мулло Юнусжон Мунший. “Амирлашкар Алимқул тарихи” – Тошкент, 1995 йил; Ибрат Исҳоқжон Жунайдиллохожа ўғли. Фарғона тарихи – Т.: Камалак, 1991 йил; Муҳаммад Азиз Марғилоний. Тарихи Азийи. – Т.: Маънавият, 1999 йил.
16. Ўзбекистон тарихи: (Олий ўқув юртларининг номурахасис талабалари учун дарслик). Масъул муҳаррир Р.Муртазаева. – Т.: “ЎАЖБНТ” маркази, 2003. – 675 б.
17. Ўзбекистонда ҳарбий хизматчиларни ижтимоий ҳимоялаш: миллий-тарихий асослари. Ш.Ғазиев <https://inscience.uz/index.php/socinov/article/view/303/314>
18. Хидиров З.М. Хоразмшоҳлар давлатининг ташкил топиши, давлат тизими ва ҳуқуқчилиги: юрид.фан.номз...дисс. – Тошкент, 2006. – 97.
19. Аҳмедова М. Амир Темурнинг ҳуқуқий ва ҳарбий тарбия тўғрисидаги қарашлари. – Т.: “Импресс-медиа” нашриёти, 2020 йил. – 40 бет.
20. Қодиров Қ. Ички ишлар органлари фаолияти тарихи: Ўқув қўлланма. Т.Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси, 2020. 22 б.
21. Ўлжаева Ш. Салтанатнинг хос тузуги// Ҳуқуқ ва бурч. 2014. №4. Б. 25.
22. Қўшаев Н., Хайриев Н. Амир Темурнинг ҳарбий сиёсий кенгашларининг ўзига хос жиҳатлари // “Ёшларни ҳарбий ватанпарварлик руҳида тарбиялашда Темур тузукларининг ўрни ва аҳамияти мавзусидаги илмий-амалий конференция материаллари. – Тошкент: Ҳарбий – техник институти нашриёти. 2019. – Б. 215.
23. “Темур тузуклари”. – Т.: Ўзбекистон, 2019 йил. – 119 б.
24. Усманова М. “Темур тузуклари”да ижтимоий ҳимоя масалалари // “Ёшларни ҳарбий ватанпарварлик руҳида тарбиялашда Темур тузукларининг ўрни ва аҳамияти мавзусидаги илмий-амалий конференция материаллари. – Тошкент: Ҳарбий – техник институти нашриёти. 2019. – Б. 40.
25. Ҳакимов Р. Ислохотлар самараси: замонавий армия, мустаҳкам муҳофаа, салоҳиятли аскарлар. // [www: parliament. gov.uz](http://www.parliament.gov.uz)
26. Раҳимов Ж. Буюк саркардаларимизнинг жаҳон ҳарбий санъатида тутган ўрни. Дарслик. – Т.: ХТИ, 2019. 740 б.
27. “Бобурнома”. Масъул муҳаррир М.Саъдий. – Т.: “Ўқитувчи” НМИУ, 2008. – Б. 207.
28. Усманова М.А. Ўзбекистон Республикасида ижтимоий ҳимояни ташкил этишнинг фуқаролик-ҳуқуқий муаммолари: Юрид. фан. д-ри. ...дис. - Тошкент: ТДЮИ, 2006. – Б. 57.